O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI XONOBOD SHAHAR HOKIMINING QARORI

Xonobod shahar, Umarshayx Mirzo ko‘chasi 2-uy, Telefon 734-44-41 Email: khanabad@umail.uz

2021 - yil 31 - oktabr 60-1-30-Q/21 Xonobod shahar hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6 сон, 97-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 41-сон, 543-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон, 333-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддалари (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1993 йил 9-сон, 320-модда)га асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2021 йил 22 сентябрдаги №366-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шаҳардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш ва банд этилган иш жойларини назорат қилиш бўйича шаҳар комиссиясининг таркиби 1-иловага мувофиқ;

3. Шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2022 йилда шаҳардаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийланаётган шахсларнинг ишга жойлаштириш учун иш ўринларини энг кам миқдорини барпо этиш бўйича шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун квота иш ўринларини банд қилиб қўйиш” режаси юзасидан таклифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан мазкур қарор билан тасдиқланган иловадаги корхона ташкилот, муассасаларда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишдан қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш ҳамда иловада кўрсатилган ходимларнинг рўйҳатдаги ўртача сонининг 7 фоизи 312 та миқдорида белгилансин.

Жумладан:

ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун

88,5 нафар;

таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар учун 76,3 нафар; муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 31 нафар; ногиронлар учун 83 нафар; шаҳар марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 11 нафар; жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 17 нафар; “Одам савдоси”дан жабр кўрганлар ва шахсларнинг бошқа тоифалари учун 5 нафар;

5. Шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун ажратилган иш жойларида ходимларнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бемалол бажарилишини таъминлайдиган меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат қонунчилиги бўйича қисқартирилган иш соатлари ва қўшимча меҳнат таътилларини ташкил қилиш;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган муддатларда ва тартибда барпо этилишини (ажратилишини ёки банд қилиб қўйилишини) таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Х. Хайтқулов)га бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг иловасида кўрсатилган корҳона, ташкилот ва муассасаларга банд қилиб қўйилиши лозим бўлган иш ўринлари сони юзасидан шаҳар ҳокимлигига ахборот тақдим этиш;

шаҳардаги ташкилот, корҳона ва муассасалар раҳбарлари томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш жойларининг меҳнат шароитларига мос келиши устидан назорат олиб бориш вазифаси юклатилсин.

7. Шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан мазкур қарор билан тасдиқланган иловада кўрсатилган корхона ташкилот, муассаса раҳбарлари ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун жойларини кўрсатиб ўтилган сони бажарилмаган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида” ги Низомнинг 21-бандига асосан жарима солиниши белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур қарор билан тасдиқланган иловада кўрсатилган корхона ташкилот, муассасаларда захираланган иш ўринларнинг энг кам сонидан орттириб бажарган ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирининг 19-2019-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом талаблари доирасида “Субсидия”лар ажратиш таъминлансин.

9. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан шаҳар ҳокимининг 2020 йил 29 сентябрдаги 243-Қ-сонли қарори 2022 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарор 2022 йил 1 январдан кучга киритилсин.

11. “Хонобод садоси” газетаси мухаририяти (Х.Мўминова)га мазкур қарорни газета саҳифалари орқали кенг оммага етказиш тавсия этилсин ҳамда шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилсин.

12. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Таджибоев ва шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори

Х.Хайтқуловлар зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **М.Тажибаев**

Хонобод шаҳар ҳокимининг
2021 йил 31 октябрдаги
60-1-30-Q/21-сон қарорига
1-илова
Шаҳар ҳокимининг 2021

йил

“_____”_____даги___-к

сонли қарори 1-илова

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш ва банд этилган иш жойларини назорат қилиш бўйича шаҳар комиссиясининг

Т А Р К И Б И

1. Х.Таджибоев - шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси

2. Х. Хайтқулов - шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази директори

К О М И С С И Я А Ъ З О Л А Р И

1. А.Хонтўраев - Шаҳар хокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари

2. МФЙ раислари - Худудлар бўйича

3. Н.Собитов - Шаҳар Статистика бўлими бошлиғи

4. Лавозимга кўра - Хонобод шаҳар АБКМ директор ўринбосари

5. Д.Исмоилов - Хонобод шаҳар АБКМ давлат меҳнат хуқуқ инспектори

Хонобод шаҳар ҳокимининг
2021 йил 31 октябрдаги
60-1-30-Q/21-сон қарорига
2-илова

Хонобод шаҳар ҳокимииинг

"___"_____2021 йил кунги

_____-қ-сонли қарорига илова

Хонобод шаҳрида 2021 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун захирага қўйилаган иш ўринлари
РЎЙХАТИ

№	Топшириқ берилган корхона, ташкилот ва муассаса номи	Уларда ишловчилар сони	Банд қилинган иш ўринлари сони *		Шундан																	
					ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар		таълим муассасаларини тугатган ёшлар		муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар		Ногиронлар **		Пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар		жазони ўташ муассаса-ларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар		ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган фуқароларнинг бошқа тоифалари		Шундан			
			Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%	сафарбарлик чақируви захирасига киритилган шахслар	кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар	атрофдагилар учун хавфли бўлмаган ижтимоий аҳамиятли касалликлар билан огриётган шахслар	Одам савдоси жиноятидан жабрланганлар
Хонобод шахри бўйича жами		**4647**	**312**	**6,7%**	**88,5**	**2%**	**76,3**	**2%**	**31,0**	**1%**	**83,0**	**1,8%**	**11,0**	**0%**	**17,0**	**0%**	**5,5**	**0,1%**	**0**	**0**	**0**	**0**
1	**"ЎзКоджи" акциядорлик жамияти**	1 421	100,0	**7,0%**	32	2%	25	2%	20,0	1%	14,0	1,0%	5,0	0,4%	2,0	0%	2,0	0%				
2	**Акциядорлик жамияти шаклидаги "Андижонкабель" Ўзбек-Россия қўшма корхонаси**	1 352	94,0	**7,0%**	20	1%	23	2%	5,0	0%	30,0	2%	4,0	0%	10,0	1%	2,0	0%				
3	**Хонобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси**	451	31,5	**7,0%**	6,5	1%	8,0	2%	2,0	0%	10,0	2%	2,0	0%	3,0	1%	0,0	0%				
4	**Хонобод шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси**	162	11,5	**7%**	2,5	2%	2,5	2%	1,0	1%	3,5	2%		0%	1,0	1%	1,0	1%				
5	**Андижон сув омборидан фойдаланиш бошқармаси**	137	10,0	**7%**	3,0	2%	3,0	2%	0,0	0%	2,5	2%	0,0	0%	1,0	1%	0,5	0%				
6	**1-умумий ўрта таълим мактаби**	82	6,0	**7%**	2,0	2%	1,0	1%	1,0	1%	2,0	2%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
7	**2-умумий ўрта таълим мактаби**	86	6,0	**7,0%**	2,0	2%	1,0	1%	1,0	1%	2,0	2%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
8	**4-умумий ўрта таълим мактаби**	66	4,5	**7%**	1,5	2%	1,0	2%	1,0	2%	1,0	2%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
9	**АндижонГЭС давлат унитар корхонаси**	95	6,5	**7%**	2,0	2%	2,5	3%	0,0	0%	2,0	2%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
10	**Хонобод шаҳар маданият бўлими**	27	2,0	**7%**	1,00	4%	0,0	0%	0,0	0%	1,00	4%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
11	**Хонобод шаҳар 1-сон мактабгача таълим муассасаси**	50	3,5	**7,0%**	1,5	3%	1,0	2%	0,0	0%	1,0	2%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
12	**Хонобод шаҳар Касб хунар мактаби**	33	2,3	**7%**	0,75	2%	0,5	2%	0,0	0%	1,0	3%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				

13	5-умумий ўрта таълим мактаби	33	2,3	7%	1,25	4%	0,5	2%	0,0	0%	0,5	2%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
14	5-сонли давлат мактабгача таълим муассасаси	42	3,0	7%	1,0	2%	1,0	2%	0,0	0%	1,00	2%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
15	Хонобод шаҳар давлат санитария-эпидемиологик осойишталик маркази	50	3,5	7,0%	1,5	3%	1,0	2%	0,0	0%	1,0	2%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
16	Хонобод шаҳар 6-сон мактабгача таълим муассасаси	53	3,5	7%	1,5	3%	1,0	2%	0,0	0%	1,00	2%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
17	3-умумий ўрта таълим мактаби	36	2,5	7%	1,00	3%	0,5	1%	0,0	0%	1,00	3%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
18	Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган 9-давлат ихтисослаштирилган мактаб	33	2,3	7%	1,00	3%	0,8	2%	0,0	0%	0,5	2%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
19	8-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби	46	3,0	7%	1,0	2%	0,5	1%	0,0	0%	1,5	3%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
20	Хонобод шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	38	2,8	7%	1,0	3%	0,5	1%	0,0	0%	1,25	3%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
21	6-умумий ўрта таълим мактаби	32	2,3	7%	0,8	2%	0,5	2%	0,0	0%	1,0	3%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
22	Хонобод шаҳар 4-мактабгача таълим ташкилоти	25	1,8	7,0%	1,00	4%	0,0	0%	0,0	0%	0,75	3%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
23	Хонобод шаҳар 2-мактабгача таълим ташкилоти	18	1,3	7%	0,5	3%	0,0	0%	0,0	0%	0,75	4%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
25	Сув оқава корхонаси	26	1,8	7%	0,5	2%	0,5	2%	0,0	0%	0,8	3%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
26	ЎзСаноатқурилишбанк Хонобод филиали	36	2,5	7%	1,0	3%	0,5	1%	0,0	0%	1,0	3%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				
27	Халқ банки Хонобод филиали	32	2,3	7%	0,8	2%	0,5	2%	0,0	0%	1,0	3%	0,0	0%	0,0	0%	0,0	0%				